

Чумоли Аллоҳ таолонинг мўъжизаси



14:13 / 04.04.2025 2851

Аллоҳ таоло чумолига бир қанча линзаларга эга бўлган кўзлар ато этган. Аллоҳ таоло чумолига ундаги рангсиз қонни ҳайдайдиган юрак берган. Чумолида асаб тизими ва яшаб қолиш, ҳаётини давом эттиришда ҳашаротлар орасида кўпроқ муваффақият қозонишига сабаб бўладиган тизимлар мавжуд. Ҳашаротлар орасида ҳажмига қиёслаганда чумолининг мияси энг катта мия ҳисобланади. Чумолининг мияси 250 минг асаб ҳужайрасига эга. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, чумоли мияси дунёдаги ҳар қандай компьютердан афзал кўринишда ишлар экан. Чумоли ўз вазнидан 100 баробар оғирликка тенг бўлган юкни кўтара олади ва у юқори даражадаги маҳоратларга эга. Чумолида ўзини мудофаа қилиш учун ҳарбий воситалар ва режалар мавжуд. Чумолида хавфсизлик даражаси мавжуд бўлиб, кичик хавфни сезиши билан сигналлар юборади. Олимларнинг таъкидлашича, чумолилар кўп маҳоратларда башариятдан

Ўзиб кетишган. Улар инсонлар каби алоҳида жамиятдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда чумолилар биз каби уммат экани борасидаги ҳақиқатни зикр қилиб, шундай марҳамат қилган:

﴿مُحْشَرُونَ رَّبَّهُمْ إِلَىٰ نُورٍ مِّنَ السَّمَاءِ فِي قَرْنٍ مَّا مَثَلُكُمْ أُمَّهَ إِلَّا بِجَنَاحَيْهِ يَطِيرُ طَيْرٌ وَلَا الْأَرْضُ فِي دَابَّتِهِ مِن وَمَا

«Ер юзидаги жонзот ва икки қаноти ила учадиган қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир. Китобга ҳеч нарсани қўймай, ёзганмиз. Сўнгра Робблари ҳузурига тўпланурлар» (Анъом сураси, 38-оят).

Бу оламда фақат одамларгина эмас, кўплаб бошқа жонзотлар ҳам яшайдилар. Уларни ҳам Аллоҳ таоло яратган. Ер юзида юрадиган ҳамма жонзотларни – туёғи билан юрадими, судралиб юрадими, икки оёқ, тўрт оёқ ёхуд кўп оёқлими ёки бошқа восита билан юрадими, учадими – ҳамма ҳаммасини Аллоҳ таоло яратган. Агар улардан бирортасини бошқа зот яратганини даъво қилувчи бўлса, марҳамат, исбот қилсин. «Ҳайвонлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб, сўнгра босқичма-босқич ривожланади», деганлар аслида кимлар эканига ва оқибати нима бўлганига бизнинг авлод гувоҳ бўлди. Инсоннинг бу соҳадаги ожизлиги шу даражадаки, у ҳатто қанча турдаги жонивор борлигини ҳам аниқ билмайди. Агар билганида, янги ҳайвонлар топилгани ҳақида тез-тез хабарлар чиқиб турмас эди. Агар инсон инсофга кириб, Аллоҳ таоло томонидан яратилган мазкур ҳайвонларнинг энг кичигини олиб, ўрганса ҳам, катта мўъжиза қаршида турганига амин бўлади ва Аллоҳ таолога иймон келтиради. Шунингдек, осмонда нимаики учиб юрган бўлса, ҳаммасини Аллоҳ яратган. Бошқа ҳеч ким яратган эмас. Улардан қай бири танлаб олиб, ўрганилса ҳам, катта мўъжиза экани аён бўлади.

Ояти каримада ердаги ва осмондаги жонзотлар ҳам худди инсонлар каби, умматлар экани таъкидланмоқда.

Kaheel7.com маълумотларидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 4 мартдаги 03-07/1462-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.